

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 19 март, № 53 (5727) Сешанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## «ЖИЗЗАХ» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистонда ўзбек-хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлигининг Жиззах вилоятида Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида филиали бўлган "Жиззах" махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда — "Жиззах" МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Жиззах" МИЗ таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, "Жиззах" МИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлигининг бевосита тасарруфида бўлади ҳамда "Жиззах" МИЗ Маъмурий кенгаши билан келишилган ҳолда ажратилади.

2. Қуйидагилар "Жиззах" махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;

махсус индустриал зонага кирувчи минтақаларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

"Жиззах" МИЗ ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг жадал ривожланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, "Жиззах" МИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

"Жиззах" МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади;

"Жиззах" МИЗ қатнашчиси мақоми "Жиззах" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилади.

4. "Жиззах" махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин.

"Жиззах" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

корхоналарга "Жиззах" МИЗ қатнашчиси мақомини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

"Жиззах" МИЗда лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар ва идораларнинг, хўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ва контракт ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ҳамда уларнинг экспертизасини ўтказиш борасидаги ишларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг "Жиззах" МИЗ фаолияти билан боғлиқ масалалардаги ишларини мувофиқлаштириш;

ишламаётган корхоналарни ва давлат эгалигидаги мол-мулкни "Жиззах" МИЗ қатнашчиларига нолга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

"Жиззах" МИЗнинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш, "Жиззах" МИЗ Дирекциясини шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. "Жиззах" махсус индустриал зонаси қатнашчилари:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида "Жиззах" МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан, эквиваленти:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан ортиб 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилади.

6. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги "Жиззах" махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши қарорлари бўйича белгиланган тартибда "Жиззах" МИЗда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун қуйидагиларни таъминласин:

биринчи навбатда, собиқ саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудларида корхоналар қуриш учун ер майдонларини ўз вақтида ажратиш;

муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун барча зарур рухсатномаларни "бир дарча" тамойили асосида бериш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ "Жиззах" МИЗда қатнашувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзтрансгаз" АК, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги бўлинмалари ва бошқа муҳандислик-коммуникация хизматларини етказиб берувчилар коммуникацияларни ишлаб чиқариш майдончаларига туташтирган ҳолда кафолатли уланишини таъминлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Жиззах" МИЗга ажратиладиган ҳудудларга бюджет маблағлари ва бошқа ички молиялаш манбалари ҳисобидан ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва янада ривожлантиришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзтрансгаз" АК, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Ўзавтойўл" АК, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда "Жиззах" махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Жиззах" МИЗ Дирекциясини ташкил этсин ва "Жиззах" махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда "Жиззах" махсус индустриал зонаси тўғрисидаги Низом ҳамда "Жиззах" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгаши ҳақидаги Низомни тасдиқлаш назарда тутилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Вазирлик таркибидаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш бошқармасининг Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари сонини 2 нафар штат бирлигига ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 18 март



# Мунаввар кунлар сурури

*Шу кунларда Самарқанд вилоятининг олис туманларида, шаҳар ва қишлоқларида баҳор байрами — Наврўзи олам шукуҳи кезиб юрибди. Корхона ҳамда ташкилотлар, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ушбу айём муносиб кутиб олинмоқда.*

## НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Жойларда турфа гуллар, манзарали ва мевали дарахтлар экиш авжида. Бу борада, айниқса, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан сифатли уруғ ҳамда кўчат уруғлари кўчма савдоси йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Шуниси қувончлики, вилоят маҳаллаларидаги қарийб 3,5 мингдан зиёд кам таъминланган хонадонларга кўчатлар бепул етказиб берилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди фаоллари, тадбиркорлар, кўплаб саховатпеша кишилар ҳамкорлигида боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғизлар, ёши улуғ кексалар ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилди. Ургут, Қўшработ, Пайариқ туманларининг тоғу қир-адирларида, маҳаллаларда халқ сайиллари, арқон тортиш, кураш, хўроз уриштириш, варрак учириш, "Оқ теракми, кўк терак" каби ўйинлар ҳамда миллий таомлар танловлари ўтказилаётир.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида қутлуғ шодиёнани муносиб нишонлаш мақсадида "Сўғдиёна", "Ёшлик", Алишер Навоий номидаги истироҳат боғлари ободонлаштирилиб, байрамга шай қилиб қўйилди. Қутлуғ айём арафасида вилоятнинг барча шаҳару туманларида 50 дан зиёд турли савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи ҳамда бошқа янги бинолар фойдаланишга топширилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

*Ҳашар халқимиз орасида ободлик ва кўркамликка бўлган интилиш сифатида шаклланган ўзига хос ноёб қадриятдир. Айниқса, ушбу анъана мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг умумхалқ ҳаракати даражасига кўтарилди, қалб амрига айланди. Бу ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари доирасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари кунларида янада яққолроқ намоён бўлди.*

# Бунёдкорлик ва эзгулик ифодаси

16-17 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари ҳам Обод турмуш йилига мос ҳолда эзгу ишларга бойлиги билан ёдда қолди. Ушбу кенг қамровли тадбирда фуқаролар йиғинлари фаоллари, "Камолот" ЁИҲ бўлимлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ва ташкилотлар ходимлари, таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, қисқача айтганда, жамики юртдошларимиз фаоллик кўрсатишди. Уларда 17,5 миллиондан зиёд киши, жумладан, 11,5 миллиондан кўпроқ ёшлар иштирок этди.

— Ҳашар тадбирларида ёшу кекса бирдек қатнашди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси, умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича Республика ишчи гуруҳи раҳбари Анвар Аҳмедов. — Икки кун давомида улар томонидан 43 минг 593,6 гектар майдон ободонлаштирилди, 26 минг 250,7 километрлик ариқ ва лотоклар тартибга келтирилди. Айни чоғда 11 миллион 683 мингдан зиёд манзарали, 11 миллионга яқин мевали, 3 миллионта тут дарахти, 16,5 миллионга яқин гул кўчатлари экилди, 22 миллионта дарахтга эса шакл берилди. Шу билан бирга, 8 минг 738 та зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилди.

Ҳашар муносабати билан вазирлик ва идоралар, корхона, ташкилот ҳамда муассасалардан тушган маблағлар "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришга йўналтирилмоқда. Хусусан, эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларнинг уй-жойларини таъмирлаш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларининг тўйларини ўтказиш, маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни янада ривожлантиришга ёрдамлашиш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда уларни зарур жиҳозлар билан таъминлашга сарфланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ОСИЁ ОЛИМПИЯ КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳд ас-Сабоҳ раҳбарлигидаги делегация аъзолари 18 март куни Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти Мираброр Усмонов билан учрашди.*

Мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда спортни изчил ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Спортни баркамол авлод тарбиясининг муҳим воситаси сифатида жадал оммалаштириш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кенг қамровли ишлар натижасида спортчиларимизнинг Олимпия ва Осиё ўйинлари ҳамда бошқа халқаро мусобақаларда эришаётган муваффақиятлари салмоғи тобора ошиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## Болалар спорти жадал ривожланмоқда

Бугунги кунда юртимизда

**1 800 000**

**нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.**

Мамлакатимизда спортни, авваламбор, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилгани, нафақат марказларда, балки қишлоқ жойларда ҳам барча шарт-шароитга эга бўлган замонавий спорт иншоотлари барпо этилгани фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун ана шундай қулай имконият яратди.

# Бунёдкорлик ва эзгулик ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биргина ҳашар кунлари 466 888 квадрат-метр уй-жойлар таъмирдан чиқарилди, 38 минг нафарга яқин кишига эса хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида ижтимоий объектларни фойдаланишга топшириш орқали янги иш ўринлари яратиш, спорт майдончаларини қуриш ишлари ҳам изчиллик билан давом эттирилди. Жумладан, Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги “Тошкентликгузар”, Қувадаги “Мустақиллик”, Ўзбекистон туманидаги “Қумбости”, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги “Камолот”, Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинлари янги хизмат биноларига кўчиб ўтди. Фарғона вилояти, Фурқат туманидаги “Шойимбек” шаҳарчаси, Ўзбекистон туманидаги “Конизар” қишлоқ фуқаролар йиғинида ёшлар учун спорт мажмуалари, Тошлоқ туманидаги Ахшак маҳалласида эса аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди.

Андижон вилоятининг Асака туманидаги “Зарбдор” қишлоқ, Навоий вилоятининг Кармана туманидаги “Дўрмон” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ҳам кўплаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги Дарёбўйи ва Янгиобод маҳаллаларида болалар майдончалари, Хоразм вилоятида эса 30 дан ортиқ янги тураржой бинолари бунёд қилинди.



Жойларда янги боғ ва гулзорлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, Оҳангарон туманидаги “Сусам” қишлоқ фуқаролар йиғини ва Хонобод маҳалласи ҳудудларида янги боғлар ташкил этилиб, уларга 2,9 миллион сўмлик 1,7 минг дона дарахт кўчатлари экилди. “Гулистон”, “Навбаҳор” ва “Қўрғон” маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам янги гулзорлар яратилди.

— Ёши улуғ отахонларнинг ҳашарда иштироки ўғил-қизларимиз шижоатига шижоат қўшди, — дейди “Нуроний” жамғармаси Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар бўлими раиси Б. Ҳакимов. — Натижада 549 минг ҳашарчи, жумладан, 270 минг нафардан зиёд ёшларимиз 1 минг 661 гектар майдонни ободонлаштиришди. Шу маънода, мазкур тадбирнинг ёшларни она-Ватанга садоқат ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камолга етказиш борасидаги ўрни ва аҳамияти жуда юқоридир.

Бухоро шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи 82 ёшли Л. Мўминованинг ҳам қувончи чексиз. “Мени сўраб келишганидан бошим кўкка етди. Юртимиз тинч, турмушимиз янаям обод бўлсин”, дея қўлини дуога очади момо.

Дарҳақиқат, умумхалқ хайрия ҳашари кунлари ана шундай савобли ишлар кенг кўламда амалга оширилди. Жумладан, Бухоро вилоятида кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, улардан 1750 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Бир нечта ёлғиз қариялар уй-жойлари таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун ҳомийлар ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бўлинмалари томонидан 63 миллион сўм сарфланди.

— Кўпдан буён тикувчиликка қизиқаман, жисмоний имкониятим чеклангани боис ишни нимадан бошлашни билмасдан иккиланардим, — дейди Самарқанд шаҳридаги “Боғибаланд” маҳалла фуқаролар йиғини аъзоси З. Ҳақбердиева. — Шу кунларда менга тикув машинаси совға қилишди, бундан жуда хурсанд бўлдим. Тез орада иш бошламоқчиман.

Қўшработ туманидаги Тоз қишлоғи аҳолисининг хурсандчилиги янада зиёда. Гап шундаки, ҳашар кунларида ҳомийлар томонидан ажратилган 5 миллион сўмдан зиёд маблағ ҳисобига 4 километрлик қувур ётқизилиб, қишлоққа ичимлик суви келтирилди.

— Ҳашарда сурхондарёлик ёшлар қаторида университетимиз талабалари ҳам унумли меҳнат қилишди, — дейди Термиз давлат университети профессори Ҳ. Тўраев. — Уларнинг меҳнати билан таълим муассасасининг ён-атрофи, шаҳримиздаги “Сурхон” спорт мажмуаси, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион ва истироҳат боғи байрамона кўринишга келтирилди.

Умуман, умумхалқ хайрия ҳашари кунлари республикамизнинг барча ҳудудларида ана шундай бунёдкорлик ва ободончилик, меҳр ва мурувват тадбирлари катта ғайрат-шижоат, кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Муҳими, юртдошларимиз мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ободликка бўлган юксак муносабатларини намоён этишди. Эндиликда бутун халқимиз билан Наврўз байрамини ана шундай обод ва кўркам манзилларда кутиб оламиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ФАХР

*Сув спорти мамлакатимиз ёшлари орасида тобора оммалашиб бораяпти. Давлатимиз раҳбари ўтган ҳафтада Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида бу ҳақида тўхталиб, айни йўналишда етишиб чиқаётган чемпионлар орасида қизлар ҳам жуда кўпчиликни ташкил этишини мамнуният билан тилга олдилар. Хусусан, Наманган вилоятининг ўсмирлар ва қизлар жамоалари ватерпол бўйича Малайзияда ўтказилган халқаро беллашувда биринчи ўринларни эгаллашганини алоҳида таъкидлаганлари қалбимизни фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдирди.*

# Соғлом халқ, соғлом миллат

### буюк ишларга қодир бўлади

Дарҳақиқат, Президентимиз урғу бериб ўтганларидек, бугун нафақат Наманган, балки бутун Ўзбекистонимиз бу қизларга ҳар қанча олқишлар айтса арзийди. Чунки ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ҳавас қиларли шарт-шароитларга эга бўлган бугунги авлод, унинг иқтидорли вакиллари халқимиз ишончини оқлаб, ҳеч кимдан кам эмаслигини дунё ҳамжамиятига намойиш қилмоқда. Буни 1999 йили ватерпол бўйича илк бор мамлакат кубоги соҳиблари бўлиб, Осиё кубоги мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига эришган ва шундан буён турли даражадаги беллашувларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган мактабимиз спортчилари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айниқса, тарбияланувчиларимизнинг кейинги йилларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Биргина 2012 йилдаги натижаларга эътибор беринг: йил аввалида Германияда эшкак эшиш бўйича ташкил этилган халқаро турнирда қатнашган вакилларимиздан икки нафари иккинчи, бир нафари эса учинчи ўринни эгаллади. Орадан кўп ўтмай Малайзияда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида жамоаларимиз ажойиб ўйинлар кўрсатиб, барчани лол қолдирди. Ўсмирларимиз ҳам, қизларимиз ҳам биринчи ўринга муносиб кўрилиб, махсус кубок ва олтин медаль билан тақдирланди. Слаломда эшкак эшиш бўйича Наманган шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида ҳам тарбияланувчиларимиз зафар қучишди.

Бу каби муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди, албатта. Давлатимиз раҳбари Оқсаройдаги мажлисда бу ҳақда жуда ажойиб бир фикрни билдириб ўтдилар: “Спорт майдонларида эришиладиган ютуқлар — аввало, шу йўлда тинимсиз интилиб, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, айни вақтда шу инсонни тарбиялаб вояга етказган жамиятнинг ютуғидир.

Мен ишонаман — бугун бутунлай янгича шароитларда ўсиб, камол топаётган бизнинг болаларимиз, қизларимиз бундан ҳам катта ютуқларни қўлга киритишга албатта қодир. Шунинг учун ҳам бундай истеъдодли, навқирон фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун барча шароитларни яратиб беришимиз керак.”

Чиндан ҳам, истиқлол ёшлари учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Бу йўлда, айниқса, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятининг изчил йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётир. Жамғарма жойларда спорт инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилаяпти. Масалан, бизнинг 23-сонли сув спортига ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби 2011 йилда жамғарма маблағлари ҳисобига мукаммал таъмирдан чиқарилди. Зарур ускуна ҳамда анжомлар билан тўла таъминланди. Бу ерда ватерпол учун мўлжалланган учта сузиш ҳавзаси мавжуд. Ҳозирги кунда мактабимизда спортнинг 5 тури, яъни, ватерпол, синхрон сузиш, сузиш, слаломда эшкак эшиш ва сувга сакраш бўйича 34 та гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Уларга жалб этилган 405 нафар спортчининг 186 нафарини қизлар ташкил этади. Мактаб иш бошлаганидан буён малакали спортчилар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Чунончи, ватерпол бўйича вилоят терма жамоаси таркиби тўлалигича бизнинг тарбияланувчиларимиздан шаклланган. Ўтган йили 53 нафар тарбияланувчимиз сув спорти турлари бўйича мамлакат терма жамоалари таркибида турли мусобақаларда иштирок этди. Бундан ташқари, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” мусобақаларида ҳам спортчиларимиз фаол қатнашиб келишмоқда.

Ёшларни спортга қизиқтириш, жалб этиш масаласи мураббийлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Биз, мутахассислар буни чуқур ҳис қиламиз ва шу боис спортни оммалаштириш йўлидаги эзгу ишларга астойдил ҳисса қўшишга интилмоқдамиз. Ўзим ҳақимда айтадиган бўлсам, 36 нафар қизга сув спорти сирларини ўргатаяпман. Севинч Зоҳиджонова, Зарина Низомиддинова, Моҳинур Ахмаджонова, Галия Байкеева, Сабина Валитова сингари шогирдларим кўплаб нуфузли мусобақаларда иқтидорларини намойиш этиб, совриндор бўлишган. Уларнинг ҳар бир ютуғидан чексиз фахрланаман. Истеъдодларни тарбиялаш йўлида бундан буён ҳам бор куч ва ғайратимизни ишга соламиз.

Президентимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар келгуси фаолиятимизни самарали ташкил этиш учун барчамизга дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

**Д. ШАМСИТДИНОВА,**
**Наманган шаҳридаги 23-Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси.**

## «ТАШАББУС — 2013»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ташаббус” кўрик-танлови ишлаб чиқаришда катта ютуқларни қўлга киритаётган тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг иш тажрибасини оммалаштириш, муҳими, уларни рағбатлантиришга хизмат қилаётган энг муҳим тадбирга айланди. Шу боис унинг нуфузи йил сайин ошиб, иштирокчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Буни “Ташаббус — 2013” кўрик-танловининг вилоят босқичлари юқори савияда ташкил этилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.*

# Замон билан ҳамқадам

**НАВОИЙ** шаҳрида Президент соврини учун ўтказилаётган “Ташаббус — 2013” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида ишбилармонликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратилаётгани туфайли ички бозоримиз ўзимизда тайёрланган сифатли маҳсулотлар билан тўлиб, аҳолининг даромади ортиб бормоқда. Танловда вилоятнинг турли ҳудудларидан 27 нафар тадбиркор, фермер, ҳунарманд ҳамда 54 та ишлаб чиқариш корхонаси иштирок этгани бунинг тасдиғидир.

Тадбир давомида улар томонидан тайёрланган мебелсозлик, машинасозлик, электротехника саноати учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, гўшт ва қандолатчилик маҳсулотлари, кийим-кечаклар, косметик воситалар, ёғоч ўймакорлиги буюмлари барчада катта таассурот қолдирди.

Айтиш жоизки, мазкур тадбирда ташкил этилган маҳсулотлар кўргазмаси нафақат намойиш майдони, балки ишбилармонларнинг ўзаро тажриба алмашиши, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш борасида келишувларга эришишлари учун қулай имконият яратди.

Кўрик-танлов якунига кўра, Навоий шаҳридаги “Навоий Файз мебель” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Азамат Ҳожиев “Энг яхши тадбиркор” деб топилган бўлса, Альбина Сумятина “Энг яхши ҳунарманд”, Қизилтепа туманидаги “Истам Аслон” фермер хўжалиги раҳбари Исроил Аслонов эса “Энг яхши фермер” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**САМАРҚАНД.** Танловнинг вилоят босқичи иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиши чинакам кўргазма-савдо тусини олди. Унда маҳаллий хом ашёлардан тайёрланган 350 турдан зиёд маҳсулот ва мингдан ортиқ миллий ҳунармандчилик намуналари намойиш этилгани шундай дейишимизга асос бўла олади. Бу мамлакатимизда кичик бизнес ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, соҳа вакилларига қулай шарт-шароит яратиб бериш борасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юксак самарасидир, албатта.

— Кўрик-танлов доирасида қишлоқда тадбиркорликни, хусусан, саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси бошлиғи Ашраф Акрамов. — Шу мақсадда ёшлар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳалари қўллаб-қувватланаяпти. Бу янги иш ўринларини яратиш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Танлов ҳайъати хулосаларига кўра, Ургут туманидаги “Ал-Назар Орзу сервис” МЧЖ раиси Соҳиб Акбаров “Энг яхши тадбиркор”, Пастдарғом туманидаги “Қудрат замин дурдонаси” фермер хўжалиги раҳбари Аброр Элмуродов “Энг яхши фермер”, ургутлик каштадўз Мавлуда Ҳамдамова эса “Энг яхши ҳунарманд” деб топилди.

Улар энди кўрик-танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ХОРАЗМ.** Урганч шаҳрида бўлиб ўтган “Ташаббус — 2013” кўрик-танловининг вилоят босқичида шаҳар ва туманлар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 50 дан ортиқ тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар ўзларининг энг сара маҳсулотлари билан қатнашди. Улар томонидан таклиф қилинаётган маҳсулотлар хорижникидан асло қолишмаслиги алоҳида эътироф этилди. Шу маънода, ғолибларни аниқлаш осон кечмади.

Уларнинг фаолиятини баҳолашда иш самараси, яратилган иш ўринлари, хориж инвестицияси жалб этилгани каби кўплаб жиҳатлар асосий мезон қилиб олинди. Якунда Урганч шаҳридаги “Мегасфера” қўшма корхонаси раҳбари Мурод Ваисов “Энг яхши тадбиркор”, Урганч туманидаги “Баҳром” фермер хўжалиги раҳбари Маркс Раҳмонов “Энг яхши фермер”, Урганч шаҳрилик ҳунарманд Фароғат Саъдуллаева “Энг яхши ҳунарманд” номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Кўрик-танловда бир қатор қўшимча номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОСИЁ ОЛИМПИЯ КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори ҳам юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг амалдаги яна бир яққол ифодаси бўлди. Мазкур ҳужжатда юқори салоҳиятли спортчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, олимпиячиларимиз захирасини бойитишга доир муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида бўлган учрашувда Осиё Олимпия кенгаши билан Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовордир, — деди Шайх Аҳмад ал-Фаҳд ас-Сабоҳ. — Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида бўлган учрашувда мамлакатингизда спортни ҳар томонлама тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самаралар хусусида батафсил маълумот олиш имконига эга бўлдик. Бу борадаги самарали ишлар ва ташаббуслар Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси фаолиятини ҳамда Олимпия ҳаракатини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Осиё Олимпия кенгаши делегацияси аъзолари Тошкент шаҳридаги “Бунёдкор” спорт мажмуасини бориб кўрдилар. Меҳмонлар юртимизда футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, халқаро андозаларга мос ушбу муҳташам мажмуада яратилган шарт-шароитларга юксак баҳо бердилар.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ДИЛ СЎЗИ



*Ўзбекистон деб аталмиш жонажон юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг кайфияти ҳамиша баланд. Яратганга беҳисоб шукрки, мустақиллик туфайли Наврўзойимиз қаддини яна тик кўтарди. Йигирма икки йилдирки, Наврўз азиз ва мўътабар айём сифатида нишонланиб келинмоқда.*

# Азиз ва мўътабар

Тўқсонга кирдим. Аммо кечагидек эсимда, ёшлигимизда бу байрамни одамлар қисиниб-қимтиниб нишонлашарди. Топган-тутганини пишириб-куйдирган одамлар кўм-кўк адирларда байрам қилгандек бўлишарди-ю, аслида хавотирдаги тантана ҳеч кимга татимас эди. Энди бугунги гўзал замонамизни қарангки, қизлар ижро этаётган лапарлар, ўланлар, бахшилар ижросидаги айтишув, терма достонлар байрамга файз киритмоқда. Сайилгоҳларни самимий кулгига тўлдирган масхарабозу дорбозлар ва кураги ерга тегмаган полвонлар холисона томошалар кўрсатишмоқда. Кайвонилару кўнгилетар кексалар эса уйида бемор ётган ҳар бир кишини баҳор таомлари билан йўқлаб, уларнинг ҳолидан хабар олаяпти.

Мўътабар Наврўздан айланай, у халқимизнинг минг йиллик мероси. Билсангиз, ҳатто халқимиз донишмандлигининг намунаси бўлган мақол ва маталлардан тортиб афсона, қўшиқ ва достонларда ҳам табиатнинг уйғониши, янгиланиши билан чамбарчас боғланган тасаввурлар мужассам. Масалан, ёши улуғлар Наврўзга етиб келганига шукроналар айтиб, “Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, оғирлар ерга, енгиллигим ўзимга”, деб яхши ниятлар қилишади. Наврўз юртга айни илигузилди палласида кириб келгани боис, дастурхон сумалак, ҳалим, кўксомса, чучвара сингари тансиқ таомлар билан безалади.

Наврўз билан боғлиқ удумлардан яна бири, бу — “Бешқарсак” қўшиқ ва ўйини ижросидир. Бунда раққослар доира билан қарсак оҳангига мос ҳаракат қилишади. Чолғу вазифасини эса қарсаклар бажаради.

Покланиш, янгиланиш, тўкинсочинлик шодиёнаси бўлган Наврўзни бугун юртимизнинг мусаффо табиатида, кундан-кунга гуллаб-яшнаётган обод ўлкамизнинг чиройида кўраяпмиз. Биргина мисол. Куни кеча Халқаро хотин-қизлар байрами баҳона Термиз шаҳрига ташриф буюрган воҳалик фидойи, меҳнаткаш аёллар бу ердаги мислсиз ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишларини кўриб, бизни табриклашди.

Буларнинг бари юртимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган барча соҳадаги изчил ислоҳотлар, тинч-тотувлик туфайлидир. Бундай юртда одамлар каби Наврўз ҳам навқирон кўринади. Йиллар ўтган сайин яшариб бораверади.

**Бахшин момо РЎЗИЕВА.**
Денов тумани

# Ўзбекистондаги иқтисодий салоҳият ва ишбилармонлик муҳити мавзуига бағишланди

*Яқинда Деҳлида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва юртимиздаги ишбилармонлик муҳитини ўрганишга бағишланган интерфаол семинар бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва “Ҳиндистон — МДҲ” Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Ҳиндистоннинг 70 дан ортиқ компания ва фирмаларидан вакиллар қатнашди.*

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Семинар чоғида Ўзбекистондаги замонавий иқтисодий тараққиёт, сармоявий муҳит, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда “Ангрен” махсус индустриал зонасида чет эллик ҳамкорлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Унинг очилиш маросимида сўзга чиққан **“Ҳиндистон — МДҲ” Савдо-саноат палатаси президенти Бал Рам Саини** мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда изчиллик билан ривожланиб бораётгани, унинг ҳуқуқий асосини икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари чоғида эришилган келишувлар ташкил этишини айтди. Унинг фикрича, халқларимиз ўртасидаги маданий ва тарихий яқинлик икки томонлама давлатлараро сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Сканд Ранжан Тайал** таъкидлаганидек, Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун қулай сармоявий муҳит, зарурий шарт-шароит ва имтиёзлар яратиб берилган.

— Жадал иқтисодий суръатларда ривожланаётган Ўзбекистон чет эл компанияларига жозибадор сармоявий муҳит, тараққий топган инфратузилма, ўзаро манфаатли лойиҳалар ва юксак малакали кадрларни таклиф этаётир, — деди у. — Бундай қулай имкониятлар бошқа мамлакатларнинг ишбилармонлари билан бир қаторда, ҳиндистонлик тадбиркорларни ҳам ўзига жалб этмоқда.

**“Medanta” тиббиёт концерни президенти Нареш Трехан** Ўзбекистонда сайёҳликнинг тиббиёт туризми сингари янги йўналишлари изчил ривожланиб бораётганини алоҳида айтиб ўтди. Шу ўринда Н. Трехан юртимиздаги соғлиқни сақлаш тизими ва унинг ривожланиш даражасини юксак баҳолар экан, Ҳиндистон томони ушбу йўналишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик олиб боришга катта аҳамият қаратишини маълум қилди.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли



# Мунаввар кунлар сурури

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Куни кеча Жомбой туманининг Бақалчоқ қишлоғида Зокиржон Эсанов хонадони — янги ҳовлида қишлоқ аҳли иштирокида Наврўз таоми — сумалак пиширилди. Катта дошқозон атрофида қишлоқ оқсоқоллари, кайвонилар, келинчаклар, ёш-яланглар жам бўлишди. 93 ёшли Ҳусан бобо Бозоров ва у кишининг турмуш ўртоғи, 85 ёшли Яхшигул момо сумалак сузиш пайти қўлларини дуога очиб, юртга тинчлик, бахтиёр ҳаётга шукроналик, ёшларга бахт-саодат, фаровонлик тиладилар.

Шундан кейин қишлоқ аҳлига сумалак тарқатилди. Яқинда келин бўлиб тушганлар урф-одатимизга кўра, барчага келинсалом йўллади. Қишлоқнинг ёши улуғ онахонларидан бири чилдирма чалиб, ўлану термаларни куйлади. Аёллар унга жўр бўлишди. Қарсагу олқишлар, ўйин-кулги авжига чиқиб, хурсандчилик анча пайт давом этди.

— Маҳалламиз одамлари аҳил, иноқ, — дейди “Тўққизбой” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бурҳон Гулов. — Маҳалламизда 5 та қишлоқ, 3300 нафардан зиёд аҳоли, 740 та оила бор. Улар бахтли замонага шукрона айтиб, осуда ҳаёт кечиришмоқда. Уй-жойлар қуриб, тўйлар қилишмоқда. Бугун ўзингиз ҳам кўрдингизки, қишлоқларда сумалак сайли баҳона одамлар ўз шоду хуррамликларини яна бир бор намойиш этиб, бир-бирига энг яхши тилаклар билдиришаяпти.

Шу кунларда Самарқанднинг ҳар бир гўшасида Наврўз тантаналари давом этмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ЯХШИ ХАБАР

*Жондор туманидаги Яккатут қишлоғида беш гектар майдонда ноодатий тут плантацияси барпо этилди. Бу ерда Хитойдан келтирилган 60 минг тупдан зиёд тут кўчати ўтқазилди.*

### Яккатут энди якка эмас

Ноодатий дейишимизнинг боиси бор, албатта. Сабаби, ушбу тутзорнинг ҳар гектаридан йилига 36 — 40 тоннагача барг олиш мумкин. Бу маҳаллий тутлар ҳосилдорлигига қараганда деярли уч-тўрт баравар кўпдир. Ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлашга жуда қўл келадиган тутзор яқинида махсус пиллахона ҳам барпо этилди. Бу ерда бир пайтнинг ўзида 40 — 50 қути ипак қуртини замонавий технология асосида парваришлаш имконияти мавжуд.

Айтиш ўринлики, жорий йилда вилоятнинг турли гўшаларида жами 18 та ана шундай махсус пиллахона ҳамда уларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 100 гектар майдонда ноодатий тут плантациялари яратилади.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт

# Ғолиблар аниқланди

*Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.*

Мусобақада спортчилар байдарка ва каноэда 500 метрга, бир, икки ва беш километрга эшкак эшиш бўйича якка-лик беллашувларида куч синашдилар.

Якунда эркаклар ўртасида А. Мочалов байдаркада эшкак эшишда учта, В. Иброҳимов битта олтин медални қўлга киритди. Каноэда эшкак эшиш бўйича Г. Кочнев тўрт масофада ҳам олтин медалга эгалик қилди.

Хотин-қизлар баҳсида байдаркада эшкак эшиш бўйича Е. Шубина икки бор маррага биринчи бўлиб етиб келди. В. Осокина ва М. Горн бир мартадан барча рақибларини ортда қолдирди. Каноэда эшкак эшиш беллашувларида С. Емельянова иккита масофада ҳам рақибларига имконият қолдирмади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

● Реклама ва эълонлар ●

«ЎЗБЕКЧАРМПОЙАБЗАЛИ»
уюшмаси жамоаси

азиз ватандошларимизни янгиланиш, яшариш ва эзгулик байрами —

**Наврўзи олам**

билан чин юракдан муборакбод этади! Дастурхонингизга қут-барака, оилангизга шоду хуррамлик ва бахту саодат тилаймиз.

Эзгулик нур-зиёси хонадонингизни ёритиб, қалбингизни доимо нурафшон этиб туришига тилакдошмиз!

428А/153

«ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ» УШКга қарашли

Shurtan Navoi Plast-PE

«POLIETILEN QUVURLAR»
ШЎЪБА КОРХОНАСИ







**ҳозирги кунда Австрия, Германия, Хитой давлатларининг «Battenfeld-Cincinnati», «ZHANGJIANG BAIXIONG KLIMENS MASHINERY CO.LTD» каби етакчи компанияларидан келтирилган ускуналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, диаметри 20, 25, 32, 40, 50, 63, 75, 90, 110, 125, 140, 160, 180, 200, 225, 250 мм. бўлган тўрт хил — «SDR 41», «SDR 26», «SDR 17.6», «SDR 11» турдаги полиэтилен қувурларни истеъмолчиларга етказиб бермоқда.**

*Шунингдек, корхона Италия давлатининг «Ritmo» фирмасидан келтирилган ускуналарда барча турдаги полиэтилен қувурларга бутловчи қисмлар (фитинглар) ишлаб чиқармоқда.*

*Маҳсулотлар ISO 9001-2008 халқаро стандартларига мувофиқ, сифат менежменти тизими асосида тайёрланади.*

*Маҳсулот сифати мувофиқлик, гигиена, экологик сертификатлари билан тасдиқланган.*

***«POLIETILEN QUVURLAR» ШК мижозларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка таклиф этади.***




210609, O`zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Karmana tumani, Malikrabot qo`rg`oni.
«Navoiy» erkin industrial-iqtisodiy zonasi.
Tel.: (8-436) 220-00-35, 220-00-34. Faks: 220-00-36. E-mail: pe_plast@mail.ru web-sayt: pe_plast.uz

223R/

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ЭГАЛЛАНГАН ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- **Кардиология ва геронтология кафедраси:** кафедра мудири, доцент, ассистент.
  **Ички касалликлар кафедраси:** кафедра мудири, ассистент.
- **Ўсмирлар, чақирув ёшдагилар касалликлари ва тиббий экспертизаси курси:** доцент.
- **Пульмонология ва клиник аллергология кафедраси:** ассистент.
- **Гематология ва трансфузиология кафедраси:** ассистент.
- **Функционал диагностика кафедраси:** ассистент.
- **Педиатрия кафедраси:** ассистент.
- **Педиатрия ва болалар овқатланиши кафедраси:** ассистент.
- **2-акушерлик ва гинекология кафедраси:** ассистент.
- **Болалар асаб касалликлари кафедраси:** 3 нафар ассистент.
- **Наркология ва ўсмирлар психопатологияси:** доцент, ассистент.
- **Клиник лаборатор диагностика кафедраси:** ассистент.
- **Нейрореабилитация ва Шарқ тиббиёти кафедраси:** 2 нафар ассистент.
- **Умумий амалиёт врачлари малакасини ошириш кафедраси:** доцент.
- **Эпидемиология кафедраси:** кафедра мудири, профессор.
- **Патанатомия ва суд тиббиёти кафедраси:** ассистент.
- **Тиббий иммунология ва иммунофармакология кафедраси:** кафедра мудири.
- **Тиббий радиология кафедраси:** кафедра мудири.
- **Шошилинч тиббий ёрдам кафедраси:** профессор, 2 нафар ассистент.
- **Офтальмология кафедраси:** ассистент.
- **Травматология ва ортопедия кафедраси:** ассистент.
- **Урология ва нефрология кафедраси:** доцент.
- **Оториноларингология кафедраси:** ассистент.
- **2-стоматология кафедраси:** доцент.
- **Онкология, УЗД курси билан кафедраси:** ассистент.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51.**
**Телефон: (8-371) 267-60-74.**

270А/176

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Наманган вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 8 октябрдаги 16-1204/7128-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «МДМ строймонтаж сервис» МЧЖга тегишли, Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 72-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1259,7 кв.м., қурилиш ости майдони 369,76 кв.м., фойдаланиш майдони 570,54 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 16 хонадан иборат, ишчи ҳолатдаги савдо дўкони ва реклама маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 4 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 2 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-369) 226-54-47. www.1kms.uz**

425А/11453

*Лицензия: RR-0001.*

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:*

**1.** Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси мулкий мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 620 293 553 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 1 (бир) гектарлик иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 1 083 286 052 сўм.***

**3.** Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги ЖСК-1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 500,0 кв.м.дан иборат икки қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган 21-уй-жой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 642 241 017 сўм.***

**4.** Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 12 августдаги 2-37-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 15/5-уйда жойлашган, умумий ер майдони 995,64 кв.м.дан иборат сауна биноси ва унинг ичидаги мулклар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 279 898 003 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 4 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 2 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

426А/11453

*Лицензия: RR-0001.*

«Capital Realtor Group» МЧЖ
маълум қилади

● «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 5 февралдаги 24-сонида эълон қилинган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод 16-даҳа, 12-уй, 3-хонадон манзилидаги уй-жойнинг аукцион савдоси Бектемир тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 5 март кунги хатига асосан тўхтатилди.

● «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 14 февралдаги 31-сонида эълон қилинган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли (собиқ ген. Узоқов) кўчаси, 60-«А» уй, 159 ва 160-хонадон манзилидаги уй-жойларнинг аукцион савдоси Олмазор тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 13 март кунги хатига асосан тўхтатилди.

420R/105

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси марказнинг Қашқадарё филиали директори Шерқобил Тоғаевга падари бузруквори

**БОЙҚОБИЛ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Архитектура тарихи назарияси кафедраси профессори Шукур Асқаровга турмуш ўртоғи

**Маликахон АСҚАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Фармация иқтисодиётини ташкил қилиш кафедраси ассистенти Моҳиржон Шокировга падари бузруквори

**МУЗАФФАР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси кафедраси катта ўқитувчиси Каримулла Магдиевга укаси

**Музаффар МАГДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ўрнида













Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 474 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона* 233-52-55;
*Котибият* 233-10-28; *Эълонлар* 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5